

ФРАНЦ КАФКА ИЖОДИДА ТУШ ВА МИФ ТАЛҚИНИ

Алфраганус университети
Махматкулова Зарина Нуриллаевна

Аннотация

Ушбу мақолада ҳаётнинг ўзига хослигини тайин этиш ҳамда тушнинг мифга алоқадорлигини синтезлаш борасида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, Франц Кафканинг тафаккур дуёнси шаклланишида энг муҳим мезонлар ҳақида ҳам мунаққидлар фикрлари бойитилди.

Калит сўз: туш, миф, образ, тасвир, идрок, эстетика, этика, фалсафа, ғоя.

Франц Кафкада бадиий ғоя рамзлар тилида очиқланар экан, у ўзига хос фантастик йўсинда тушни ҳам асосий талқин мезони сифатида киритади. У туш кўрмайди ёки тушга ишора қилади. Бу усул ўзбек ёзувчиси Шодикул Ҳамро бадиий изланишларида ҳам қабариб кўринади. Проф.Қ.Йўлдошев ёзувчи ҳикоялари ва ижодий тутумлари ҳақида қуйидагиларни маълум қилади: “Шуни айтиш керакки, фақат одатдаги асарларни ўқишга ўрганган одам Ф.Кафка ҳикоялари билан танишгач, дастлаб ҳеч нарса тушунмайди. Бунинг устига, бу ҳикоялар кишида кўрқув, ҳатто айрим ўринларда жирканиш туйғуларини уйғотиши ҳам мумкин. Фақат жиддий эътибор қилиб, ўзини Кафканинг ўрнига қўйиб кўрган ўқувчигина ниманидир англагандай бўлади ва унинг ҳикоялари биз севган ва яшаётган реал ҳаётдан кўрқинчлироқ эмаслигини тушунади. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари негадир ўзларини доим гуноҳкор ҳис этишади, аммо гуноҳи ва кўрқуви сабабини ўзлари ҳам билишмайди, ўқувчига ҳам англаштирмайди. Кафка Аллоҳга ишонишни истаган, аммо унинг борлигини ақлига сиғдира олмаган даҳрий эди. Шунинг учун Аллоҳнинг энг муқаррам яратиғи бўлмиш одамларни астойдил севолмас, улардан эзгулик келишига ишонмасди. Адиб алоҳида олинган одамни суйгани ва аягани ҳолда бутун инсониятга ҳам, инсонлар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ҳам ишончсизлик ва нафрат билан қарар, улардан фақат ёмонлик келади деб ҳисоблар эди. у шу ҳолатдан умр бўйи азоб чеккан ва тортаётган азобларини адабий



қахрамонларига ҳам ўтказган ёзувчидир”¹. Мунаққиднинг ушбу фикрлари бироз баҳсталаб ҳамдир. негаки, Франц Кафка ўзи яшаб турган муҳитнинг асл башараси, қиёфасини кўрибгина тушунчаларини мукаммалаштириб борди. Кафка зулматда адашган, ёлғизликдан азият чеккан, нимжон жуассасидаги оғриқларни тўлақонли ҳис этган, ҳамда одамлардаги олижанобликни кўриб, англаб билган, меҳрибон зот эди. У ҳикояларида ўзгаларга ишончсизлик билидраётган бани башарият устидан ҳукм чиқарган амалдорлару нафс бандаларини қиёфасини кўрсатишни мақсад қилганди. Ана шу мақсад ёзувчини умуминсоний туйғуларни рамзлар тилида ҳикоя қилишга етаклади. Чунки Франц Кафка ҳаётда икки жиҳатга эътибор қаратарди: биринчидан, муҳитдан тотган азобу укубатлари, руҳий тушкунлик, ёлғизлик исқанжасида қолиш бўлса, иккинчидан, ана шу муҳитнинг тамомила бошқача рангда янграган мезонлар, ишоралардан маъно изларди. Бу маъно Кафка учун қиматга тушса ҳам, ўз соғлигидан айрилиб, ёлғизлик оловида умр кечирса ҳам, ўз кўнглидагидек кўнгил тополмаса ҳам ёзиш орқали таскин топарди. **“Битта асаримни бир марта кўрган тушимдир”**, деганида тўлақонли ҳақ эди у.

Проф.У.Ҳамдам: “Жаҳон адабиётшунослигида “Дунё адабиёти тарихи иккига: Кафкагача ва Кафкадан кейинги даврга бўлинади” деган қараш мавжуд. Бу фикрда муболаға бор, албатта. Лекин мазкур эътироф бежиз Кафкага нисбатан айтилаётгани йўқ: зеро, айнан кафкалардан кейин жаҳон адабиётида кескин бурилиш содир бўлган. Ҳа, Франц Кафка чиндан ҳам жаҳон адабиёти равишига жиддий таъсир кўрсатган, мумтоз мақомга эга улкан ёзувчидир. Кафка, Жойс, Камю, Пруст каби ёзувчилар билан бир қаторда янги, модернистик адабиёт асосчиларидан ҳисобланади. Қарийб бир асрдан бери башарият бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида кафкалар чиқиб борган даража ҳали-ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бадиий тафаккурдаги ушбу юксалиш дунё адабиётида Толстой, Достоевский, Чехов каби адиблардан кейинги янги қадам бўлган эди. Кузатишлар, таҳлиллар шуни кўрсатяптики, мана, қарийб юз йилдирки, бадиий-эстетик тафаккур бобида кафкалардан сўнг оламшумул эврилиш содир бўлганича йўқ. Ҳозирги илғор жаҳон адабиёти ҳам қайсидир маъноларда модернистлардан улгу олиб шаклланаётир. Ҳатто постмодернизм, метареализм, метамодернизм каби энг янги йўналишлар ҳам Кафка, Камю, Жойс, Пруст каби ёзувчилар

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т: “Янги аср авлоди”. 2006. –Б.389.

пойдеворини қўйган адабий оқимнинг турли-туман ўзанларга тушиб оқишига ўхшайди”². Дарҳақиқат, Кафканинг руҳий олами- туш ва ўнг аро кечадиган психологк жараёндинр. Бу психологик жараёнда Кафканинг ижтимоий ҳаёти билан руҳий ҳаёти қоришиқ ҳолда келади. Шунинг учун уни тушуниш қайта-қайта мутолаани талаб қилади. У.Ҳамдам масалага замон талаби асосида ёнадшиш зарурлигини таъидламоқда. Негадир у ўзини ёлғиз ҳис қилгандагина мифларни ўйлаб топар, бу топлиган мифларни ўзи яшаб турган жамиятга муқояса қиларди. Буни қуйидаги 4 та муҳим фатор билан аниқлаш зарурлигини тайин этади:

1. XX асрнинг биринчи ярмида, биринчи жаҳон уруши йилларида Европа бўйлаб тарқалган вабо ва одамларнинг руҳий-ижтимоий касаллиги қалб кечинмаларини тубдан янгилашга эҳтиёж сезила бошлади. З.Фрейд, К.Юнг, Э.Фромм сингари психоаналитиклар олиб орган тадқиқотларнинг кўпчилигида айна масала қабариб кўринади. Демак, XX асрнинг 30-йилларига қадар олиб борлиган тажрибалар негизида Кафка ҳаёт ҳақиқатини аниқлашда кўплаб муаммоларга рўбарў келганида деб баҳолаш мумкин.

2. Кафка ҳеч қачон ёлғизликдан кўркмаган, унинг руҳий босим остида Отасидан, атрофидаги одамлардан тортган зулми уни руҳан ўстирди, чинқтирди, оқ ва қорани теранроқ янглашга етаклади.

3. Рамзлар тилида Кафка ўз миссиясини эълон қилиш йўлига тушди. Уни тушунмаслигимизнинг сабаби ҳам айна шу рамзлардадир. Бу рамзлар орқали Отасига, Оансига, сингисига ёки дўстларига бўлган муҳаббат ҳамда нафратини яратган қаҳрамонлари характериға мукаммал бир тарзда жипслайди.

4. “Эврилиш” ҳикоясидаги Грегор Замзанинг аччиқ қисмати Кафканинг турли ҳикояларига сочилиб кетган мифдир. У биргина мифнинг турли шаклларини ҳамда ҳолатини тасвирлаш илмини чуқурлаштирди. Шунингдек, Грегор Замза оламидаги инсонлик моҳияти аста-секинлик билан ўз тажасумини топа бошлади. Ана шу мезон Кафка бадииятида ҳикоя жанрининг фалсафий-эстетик мезонларини тартиблаштиради. Булар ўзбек ижодкорларига ҳам таъсир қилиб, шаклда ҳам, мазмунда ҳам, тасвир усулида ҳам янги метафораларнинг вужудга келишиға замин яратади.

² Ҳамдамов У. “Эврилиш” – замонавий кўзгу. –Т: “Янги аср авлоди”. 2021. –Б.256.

Проф. М.Холбеков: “Кафка борлиқнинг, жўш уриб турган ҳаётнинг ўткир тиконли йўлакларидан борди, айти пайтда шафқатсиз ҳаётнинг охири саволлари ечимини кутиб ётган сарҳадларида умр кечирди. Тинч-хотиржам яшаётган, фаровон ҳаёт кечириётган, бироқ тор тасаввурга эга, руҳан кўрқоқ одамларнинг ақли етмайдиган билимлардан кўзи қамашган Кафка ўзини панага олиб яшади, қалби эшигини маҳкам ёпиб, худди ипак куртидек ўз қобиғига ўралашиб умргузаронлик қилди. Нима бўлганда ҳам, Кафка кўришга муяссар бўлган нурафшон ёғду унинг ижодида ўз изини қолдирди. Шунга қарамай, адиб асарларида фақат ва фақат инсоннинг дунёдан узоқлашиб кетаётгани, ҳаётга бегона бўлиб бораётганини кўриш адолатдан бўлмасди. Кафка асарларида умид учқунларини ҳам кўп бор учратамиз. Унинг қаҳрамонлари чарақлаб турган куёш нурларидан баҳра олади, бўронда жунжикади, шабада ва шамолдан тўйиб-тўйиб нафас олади. Шу боис адибни бутқул ноумид яшаган деб бўлмайди. Дунё лаззатлари уни ва у яратган қаҳрамонларни четлаб ўтмади: улар ҳам севдилар, ҳам севилдилар. Бироқ улар қалбидаги саросима, юрагидаги ғулғула бахтли яшашларига тўсқинлик қилди”³. Муҳаммаджон Холбеков талқинида муҳим гаплар айтилган. Унда Кафканинг табиатидаги тушқунликнинг асл сабаблари фoш қилинди. Дейлик, отасидан азоб тортган Кафка руҳий оламида оасига бўлган катта ва самимий муҳаббатнинг ўзига хос жиҳатларини топамиз. Шунинг учун ҳам Кафка ҳаётда ўз ўрнига эга ёзувчи бўлиш истагида тирикчилик ғамини ейиш билан баробар суғурта ташкилотида оддий инспектор бўлиб ишлаши ҳам шундандир. У ўз ёзганларини вақтида адабиёт санамаган. Дўсти Макс Брод кўмаги ва далдаси билан аста-секин эълон қилиш муҳимлигини тушуниб етади. Ундан келадиган даромад эвазига турли жойларни кезади, одамлар билан муносабат, мулоқот қилади.

Кафканинг ижодида – Отасининг таъсири жуда катта. Айти пайтда, ҳаётнинг жуда муҳим жиҳатларини ҳал қилиш борасида куюнчаклик билан иш кўради. Унинг изтироблари эса Ота зулмидан, азобларидан бино бўлган десак, муболаға қилмаган бўламиз:

“Франц Кафка бадий оламида ҳам шу ҳолатни кузатиш лозимки, у ҳам ўзининг дўсту биродарларига, отасига, севгилисига юборган мактубларда ўзи яратган қаҳрамонларни ўзи яшаган муҳитдан топганлигини, бу ҳаёт қаршида

³ <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/muhammadjon-xolbekov-xx-asr-modern-adabiyoti-manzaralari-07.html>

сонсиз ва ҳадсиз саволларга жавоб топишда доим қийналиб яшаганини сезамиз. Айниқса, отасига юборган мактуб ўзи яшаган давр манзарасини бутун-мураккаблигича англашнинг имконини беради:

“Мен бир қўрқоқ бола эдим, бироқ етарлича аксарият болалар каби ўжар ҳам эдим; онам мени алқаб турар, ўзимга пишиқлигимдан бу мактовларга ишаноламасдим, ҳа, яна мени ширин муомала, дилкаш сўз ёки олижаноб хатти-ҳаракатлар билан ҳам ишонтириб, ўзига қаратиб бўлмасди. Сен табиатан олижаноб ва юмшоқ кўнгилсан (бу ҳеч ҳам кейингиларини рад қилмайди, мен эса бу ерда бор-йўғи болани қандай қилиб ўз таъсирингга олишинг ҳақида гапирмоқчиман, холос); бироқ ҳамма бола ҳам сабр ва қўрқмасдан бу яширин яхшилик илдизига тик қарашга қобил бўлавермайди-да. Сен менинг кучли ва жасур ўспирин бўлишим учун астойдил куйиб-пишдинг, аммо тарбия услубинг феъл-атворингга жуда ҳам мос тарзда, қаҳр-ғазаб билан, куч ишлатиб, бақириб-чақириб мақсадингга эришмоқчи бўлдинг ва хаёлингга бундан бошқа тарбия воситалари келиши амри маҳол эди, бу эса кутилган натижага хилоф бўлди”⁴.

Кўнглида ва ботинида мунг билан яшаб улғайган Франц ўз дўстларидан доим бу сирларни яширин тутарди. Ҳеч кимга билдирмасликка, тарбия қилиш воситасининг хилма-хил усуллари борлигини ўз ҳиссиётлари, тушунчалари билан ифодалай олди. Дунё адабиётида ёзувчидек азоб ҳамда уқубат тортган одам бўлмаса керак. Чунки бу азоб ҳамда уқубатлар инсонни доим маънан, руҳан юксалтиради. Бу юксалиш замирида хилма-хил асарлар пайдо бўлади.

Франц Кафка мана шунинг учун ҳам зулмат ва ёруғлик, оқ ҳамда қора, қайғу ва шодлик, изтироб ҳамда тушқунликни ўз миссиясида талқин этиш кўникмасини мукаммаллаштирди. Кафкадек ёзиш осонми? Бу саволга қарийб юз йил тўлса-да, Назар Эшонкул қарашлари фикрмизни тўлдириши тайин. У тийиксиз бир туйғулар, ҳиссиётлар, оғриқлар ичида улғайди. Бу улғайиш Кафкани 41 ёшига қадар давом этди. Оламни, одамни тушуниб, тушунтириш ёзувчининг жуда катта потенциал билим ҳамда тажрибасини кафолатлайди.

Хулоса шуки, жаҳон адабиётида ҳикоя жанри тараққиёти асрлар давомида ривож топиб ўсиш-ўзгаришларни бошидан кечираётгани айтиш ҳақиқат. Бугуннинг ёзувчилари учун романдан ҳам – романнинг янгиланишини хоҳлашлик тушунчаси бирламчи. Негаки, бирор эстетик категория мутлақ деган фарздан воз

⁴ Франц Кафка. Отамга мактуб. –Т., Шарқ. 2015. –Б.374.



кечилди. Бироқ маиший метаморфозалар гуллаб-яшнаётган эволюцион кўтарилишдан шахсининг ўзи яратган мифологик ўй-хаёлларнинг урчиб кетиши ғоят бадий дидга салбий таъсир этиши тайин. Бадий дидни миллат диди билан муқояса қилиш асносида биз даврнинг муҳим масалаларига тегишли баҳо беришга эришамиз. Мана шу жиҳатлар ҳозирги роман жанри ҳақида муайян хулосалар чиқариш йўллари белгилаб олишга ҳамда антик юнон авантюра эпосгача, эпосдан постмодерн тафаккур фрагментларигача тасаввур ҳосил қилишга шароит беради. Чунки бирор адабий ҳодиса ўша давр учун муҳим ва зарур бўлганидек, унинг яшовчалигини одамларнинг унга ва санъатга муносабати, эстетик диднинг қанчалик юксалиши, ҳақиқий ўқувчисини ҳам топа билиши билан белгиланиши табиий бир ҳолдир!